


TAFAKKUR

ZIYOSI

ilmiy-uslubiy jurnal
Тафаккур зиёси 1/2020



МУНДАРИЖА

БОШ МУХАРРИР МИНБАРИ

Шавкат ШАРИПОВ. Илм-фан ютуқлари - мамлакат тараққиётининг муҳим гарови.....4

ДАВР МУАММОСИ

Хусниддин АҲМЕДОВ. Таълим ва тарбия - маънавий ислохотлар омили.....5

ТАКВИМ: АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 579 ЙИЛЛИГИ

Усмонжон ҚОСИМОВ, Сапура КАРИМОВА. - Адабий анъана ва новаторлик қирралари.....8

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ФАЛСАФА

Бахти ОЧИЛОВА. Таълим тизими ислохотларининг тафаккур янгиланишидаги аҳамияти.....11

Бобомурот ТОШБОЕВ. Ўзбек халқи маънавий қиёфаси такомиллида миллий таълимнинг ўрни.....18

Қувват АЛИҚУЛОВ. Ешлар иқтисодий фаоллигининг ахлоқий ва эстетик истиқболлари.....20

Дилбар ФАЙЗИХОДЖАЕВА. Имом Ғаззолий мунозара шартлари ва одоби ҳақида.....24

Мўмин ҲОШИМХОНОВ. Машраб муножотлари.....27

Зиёдулла ҒОЗИЕВ. Суфи Оллоёрнинг меҳр-оқибат тўғрисидаги фикрлари.....30

ФИЛОЛОГИЯ: ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР

Феруза ЖУМАЕВА. Ясама сўзларнинг семантик структураси.....33

Дилноза АБДУВАЛИЕВА, Абдулҳамид АБДУВАЛИЕВ. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасидаги архаиклашган бирликлар.....36

Барно ҚҮШОҚОВА. Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз ясалишидаги роли.....41

Турсункул АЛМАМАТОВ, Шахноза АЛМАМАТОВА. Муболағалар воситасида ўқувчилар нутқий салоҳиятини ошириш.....43

Латофат ИБРАГИМОВА. Шарт майлининг қўлланишига доир баъзи мулоҳазалар.....46

Нодира СОАТОВА, Заъқиддин БУРХОНОВ. "Қисаси Рабғузий"да композицион тузилиш ва гоҳ.....49

Элмурод НАСРУЛЛАЕВ. "Алишер Навоий" драмасида улуғ шоир шахсияти талқини.....51

Тозагул МАТЕҚУБОВА. Фафур Фулом шеърларида лирик "Мен"и табиати.....55

Латифа ХУДОЙҚУЛОВА. Суннат тўйи маросими фольклорининг локал хусусиятлари.....58

Насим ОЧИЛОВ. Қодир бахшининг дostonчилик фаолияти ва эпик анъаналарнинг жонланиши.....61

ИННОВАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ

Асқар МҮМИНОВ, Ҳамракул ЭШОНҚУЛОВ. Мактабгача таълим муассасалари бошқарувини математик моделлаштириш.....65

Хуррам ТАНГИРОВ. Электрон таълим ресурслардан фойдаланишда хорижий мамлакатлар тажрибаси.....67

Ўктам ҲАЛИМОВ. Талабалар касбий компетентлигини математика воситалари ёрдамида шакллантириш.....71

Мурод БАРАКАЕВ, Зебо ҒИЁСОВА. Математик таълимда ўқитувчи фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятлари.....74

Бахтиёр МИРКОМИЛОВ. Талабаларни бадий қадриятлар асосида тарбиялаш йўли.....78

Умид ЖУМАНАЗАРОВ. Чет тилда нутқ фаолиятини зғаллашда интуиция ва онгликнинг ўрни.....81

Гулноза ҚУРБОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий маданиятни шакллантириш.....84

Икром ЭҒАМБЕРДИЕВ. Анорганик олам компонентларининг шаклланиши ва ривожланиши.....85

Хўжамберди ТОҒАЕВ, Тўйчи ИСМОИЛОВ, Ориф КАРИМОВ. Ижодкорлик масалалари ечимининг фалсафий-педагогик асослари.....88

Гулчеҳра УТАМУРОДОВА, Чингиз ОЧИЛОВ. Ўқитувчи камолотида шарқ мутафаккирлари қарашларининг ўрни.....91

Насиба ЖУМАНОВА. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда мулоқотнинг ўрни.....93

Ботир БОЙМЕТОВ, Ўғилой ХУДОЙНАЗАРОВА. Рангтаъсвирда портрет тасвирининг методик асослари.....95

Ойқарам БАЙМУРЗАЕВА. Санъат ва ижтимоий ҳаёт.....98

Ақбар СОДИҚОВ. Юқори синф ўқувчиларида тезкорлик қобилиятини ривожлантириш услублари.....100

Нурмахан АБДУКАРИМОВ. Глобаллашув даврида ёшлар тарбияси.....102

АДАБИЙ АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Усмонжон ҚОСИМОВ - филология фанлари номзоди, доцент
Сапура КАРИМОВА - эркин тадқиқотчи
Жиззах давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена изучению творчества и бессмертных традиций великого поэта Алишера Навои. В XV веке Навои создал фундаментальное научно-теоретическое учение о сущности художественной литературы, о социальной роли и значении искусства слова. Абдулла Кадыри, Абдулла Каххор и другие талантливые писатели XX века успешно продолжали творческие традиции Навои. Традиция и новаторство актуальны и в наши дни.

LITERARY TRADITIONS AND FEATURES OF NOVATION

ABSTRACT: This article is dedicated to the works and longlasting traditios of Alisher Navai. As a result of unique novels in the sphere of critical-literature and art of Alisher Navai, systematic theory appeared in XV century. This theory serves as the development in the following of the word art and the science of sophistication. In the formation as a person and poet of Kadiri and Kahhor, Navoi's traditions and samples became important factor in their creation and courage. These are very actual for todays literature and spirituality.

Буюк аждодларимизнинг илм-фан, маънавият ва адабиёт соҳасидаги оламшумул кашфиётлари дунё тамаддунига улкан ҳисса бўлиб қўшилганлиги эндиликда бутун жаҳон аҳли томонидан фахр билан эътироф этилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор",¹ деган сўзлари ижод аҳлига илҳом ва гурур бағишлайди. Ўзбек тилимиз ва адабиётимизни дунё миқёсида тараннум этган, халқимиз маънавияти ривожига бениҳоя кучли ва самарали таъсир кўрсатган ва эндиликда янада юксак қадрланаётган беназир сиймо-бу, шубҳасиз, Алишер Навоийдир. У нафақат ўзбек халқи, балки бутун туркий оламнинг бетимсол шоир-мутафаккири сифатида жаҳон баддий-эстетик тафаккури ривожига ва Ренессанс тарихида энг юксак мавқени эгаллаган гениал санъаткордир.

Навоийнинг баддий-эстетик мероси ва ҳикматлари "на замону замин, на мазҳабу дин ва на ижтимоий тузуму сиёсий туркум жиҳатдан чекланган. Улар истисносиз инсоният хизматида қаратилгандир. (А.Рустамов) Тарихий ва адабий манбалардан маълумки, мустамлака йиллари ва мустабид шўро даврида бой тарихимиз ва адабиётимизни холисо на ўрганиш имкони бўлмаган ва бундай ҳаракатлар "ўтмишни идеаллаштириш, миллатчилик" деган тамгалар билан қораланиб, тақиқлаб қўйилган. Бундай адолатсизликлар бутун ўтмишимизга ва кўплаб буюк шахслар фаолияти ва ижодига нисбатан узоқ йиллар давом этиб, кейинги давр адабиёти ривожига ҳам тўсиқ бўлганлиги тарихимизнинг маломатли фактлари саналади. Ада-

биёт тарихи, хатто "Навоийни сохталаштириш, меросини менсимаслик каби зарарли тенденциялар кучли" бўлган. Чўлпон ҳам "Улуг ҳинди" (1925) мақоласида Навоийни Бойқаро, Умархон ва Фазлийлар билан бир қаторга қўйиб, барчаси ижоди "бир хил" дейиши ҳам Навоий даҳосининг чуқур англамагандан далолат эди. Адабиётшуносларимиз қайд этганидек, XX аср бошида Ўзбекистонда Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида бирорта мақола ҳам ёзилмаган. Мустақиллик йиллари Навоийни англаш янги бир босқичга кўтарилгани ҳам маънавиятимиз ривожидан гувоҳлик беради. Буюк шоиримизнинг бутун ижоди, шахсияти ва фаолияти нафақат Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳорлар авлоди учун, балки кейинги ёш адабий авлодлар учун ҳам юксак бир ибрат:

**Юз жафо қилса менга,
қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо,
юз қатла фарёд айларам.**

Бу-буюк гуманист шоирнинг барча ижод аҳлига ҳаётий бир сабоғи, авлодларга васияти ҳамдир. Зеро, ҳар бир истеъдодли адиб агар чинакам юртпарвар ва инсонпарвар ижодкор бўлса - у ҳамиша эл-юртининг ғам-ташвишига ҳам, шодлик-қувончига ҳам шерик бўлиб яшаши керак. Бу ҳаётий ҳақиқат чинакам адиблар учун ижоднинг муқаддас бир мезони ва қонунияти бўлган. Навоийнинг улкан истеъдоди ва беқиёс ҳаққўйлигининг ёрқин ифодаси бўлган асарлар Қодирий ва Қаҳҳор каби кейинги давр адиблари ижодига ва ижтимоий-эстетик позициясига ҳам кучли таъсир кўрсатгани айни ҳақиқатдир. Бу жиҳатдан Абдулла Қодирийнинг 1926 йили суддаги "Мен тўғри-

¹ Ш.М.Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш- халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари ва киллари билан учрашувидаги маърузаси. "Жаҳон адабиёти". №8.2017.

лик орқасида бош кетса "их" дейдирган йигит эмасман" деган мардона сўзлари, Отабек ва Анварларнинг халқ ва ҳақ йўлида изтироб чекиши ва фақуллодда катта жасорат билан ўлимга тик бора олиши ҳам ҳаётий ва ижодий ибратдир. Ехуд мустабид тузум қаҳридан кўржмасдан-1956 йилда катта сиёсий йиғинда Ёзувчилар уюшмаси партия ташкилоти бошлиғини "Ўзбек адабиётининг жаллоди" деб айта олган Абдулла Қаҳҳор жасорати ва 1967 йили нуфузли минбарда туриб, компартиянинг улкан арбоблари ҳузурда "Мен партияннинг солдати эмас, онгли аъзосиман!" деган сўзлари ҳам Навоий ва Кодирийнинг ҳақўйлиги ва ижодий жасоратининг қаҳҳорона бир намунаси бўлгани XX аср адабий-эстетик тафаккури тарихининг ёмби бир ҳақиқатидир.

Алишер Навоий ўзининг "Хамса"сидаги "Фарҳод ва Ширин" достонида илм ва олим лар ҳусусида фалсафий ўй-қарашларини ифода этаркан, улуғ мутафаккир Мирзо Улуғбек илмий мероси ва унинг келажак учун ҳам улкан аҳамиятини юксак баҳолайди:

**Қиёматга декинча аҳли айём,
Ўзорлар онинг аҳқомидин аҳқом**

Навоийнинг машҳур бу таърифи унинг уммон қадар теран ижоди ва бой адабий-эстетик меросига нисбатан ҳам энг муносиб ва ҳаққоний баҳо бўлур эди. Зеро, Навоий ижоди юксак санъат ва бадият намуналари бўлиб хизмат қилаётганидек, унинг адабий-эстетик қарашлари ҳам адабиётнинг умуминсоний мақсад-моҳияти, ижодкор истеъдоди, шахси ва бурчини англашда энг зарур ва қимматли сабоқлардир. Навоийнинг адабий-эстетик таълимотидаги ўзак масалалардан бири- анъана ва новаторлик- ўзига хосликдир. Чўқур инсонпарварлик ғоялари ва беқиёс бадияти билан жаҳон аҳлини хайратга солиб келатган Навоий ижоди адабий анъанавийлик ва новаторликнинг юксак бир намунаси. Ижодий таъсир, анъана ва новаторлик бадий ижод ва адабий-эстетик тафаккур ривожининг энг муҳим ва зарурий бир шарт ва қудратли омили бўлиб хизмат қилишини кўп асрлик жаҳон адабиёти бой тажрибаси ва тарихий тараққиёт йўллари тўла тасдиқлайди.

Бироқ кўпқиррали бу муаммонинг илдиз-манбаларини кенгрок ўрганиш ва унинг тарихи, тадрижий тақомили ва ўзига хос хусусиятларини чуқуррок англаш ва уларнинг бугунги адабий жараён учун муҳим аҳамиятини ёритиш учун мумтоз адабиётимизга, хусусан, Алишер Навоий ижоди ва адабий-эстетик қарашларига мурожаат қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. XX аср адабиётининг деярли барча ёрқин вақиллари ҳам Навоий ижоди ва адабий-эстетик таълимотининг мерос-хўрлари саналади. Яъни улар ижоди ва бадий-эстетик тафаккурининг шаклланиши ва ривожиди рус ва бошқа халқлар адабиётидан кўра ҳам олдинроқ ва кўпроқ Навоий ижоди ва сиймоси, ада-

бий анъаналари ва эстетик ақидаларининг таъсири чуқурроқ ва самаралироқ бўлганлиги айни ҳақиқатдир.

**Ани назм этки, тархинг тоза бўлғай,
Улусқа, майли, беандоза бўлғай.
Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.**²

Бу - Алишер Навоий бутун ҳаёти ва ижоди давомида қатъий амал қилган юксак аъмоли, ижодий-эстетик дастури эди. Навоий қандай мураккаб мавзунини ёритмасин, қандай анъанавий жанр ё шеърини санъатга қўл урмасин, ҳаммаша "тархи тоза назм" яратганлигига ғувоҳ бўламиз. Мисол учун форс-тожик адабиётининг машҳур намоёндаларидан бири-Саъдий Шерозий билан Навоий ижодининг муштарак ғоявий-бадий жиҳатлари-га қиёсий бир назар солайлик. Уларнинг кўплаб эзгу ғоя ва ҳикматлари бугун ҳам барча халқлар учун одамийликнинг юксак ахлоқий бир мезони бўлиб жаранглайди:

**Ту гар меҳнати дигарон беғами,
Нашоядқи номат ниҳанд одами.
- Узгалар ҳақида чекмағучи ғам,
Нечук саналади қатори одам.**³

(Ф.Фулом, Ш.Шомухамедов таржимаси)

Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг миллионлаб комил инсонларнинг ҳаётини мақсад ва дастури ифодаланган даъваткорона бир ўғитини эслайлик:

**Одами эрсанг, демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами**
(“Хайрат ул-аброр”)

Жаҳон шеърятининг порлоқ саҳифаларига айланган бу ҳикматлари билан инсонларнинг ўзаро ҳамдард ва ғамхўр бўлишини нафақат эзгулик ва мурувватнинг олий бир намунаси деб, балки кишилик жамиятининг маънавий таянч-устунлари сифатида беқиёс қадрлаган. Навоий сатрларида маъно янада кенгайган: ўзгаларнинг одамийлик даражасига баҳо берувчининг ўзи, аввало, ўзлигини англаган ва юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлиши лозимлиги зарурий шарт қилиб қўйилган. "Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил"-бу улуғ гуманист шоир ижодининг бош ғояси, авлодларга эзгу бир васияти ҳам эди. Инсоний яшашнинг мақсад-моҳияти ҳақидаги бундай ёрқин мисоллар бадият ва маънавият оламининг бардавом силсиласидаги анъанавийлик ва замонавийликнинг юксак бир ифодаси бўла олади. Навоий каби буюк сиймолар томонидан тараннум этилган юксак ғоя ва ақидаларнинг ҳаётини илдизлари муборақ ҳадислар ва халқ нақллари каби теран ва умрбоқийлигини намоён этади. Бу муштарак эзгу ғоялар ва олижаноб инсоний фазилатлар ҳозирги даарда ҳам машҳур адиблар томонидан маҳорат билан куйланиб, муқаддас қадриятлар сифатида эъзозланмоқда.

Навоий шеърлари замиридаги ҳаётини тажриба- сабоқ, кучли мантик ва кескин ғоявий ҳамо-

² Алишер Навоий. Хамса. Хайрат ул-аброр. Тошкент, 2001. 75-б.

³ Саъдий. Гулистон. Тошкент, Ф. Фулом ва Ш. Шомухамедов таржимаси, 1968.

ханглик буюк мутафаккирларнинг қатъий бир хулосаси, яъни разил ва тубан кимсалар хусусидаги чуқур фалсафий мушоҳадалари қалбларни жунбушга келтиради. Айни пайтда, жамиятдаги иллатлар ҳамisha "Эл-улус балойи жони" эканини чуқур бадиий таҳлил ва талкин асосида фош этиш маҳорати жаҳон адабиёти ва ижтимоий-танқидий тафаккур ривожига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир. Навоий халққа ситам етказган золим ва разил шахсларга қарши ўзининг бутун ижоди ва фаолияти билан мардона курашганлиги ўзига хос бир жасорат тимсоли эди. Бу ҳаётбахш анъана бизнинг давримизда ҳам собитқадамлик билан давом эттирилмоқда. "Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим. Чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли зехнига боглиқдир. Санъат асариде яхшини яхши деб одамларга ибрат қилиш, ёмонни ёмон деб одамларни ундан жиркантириш учун шижоат керак бўлса, шижоат ҳалолликни талаб қилади. Шижоатсиз ҳалоллик ўлик сармоядир"⁴ деган эди Абдулла Қаҳҳор.⁴ Халқ ҳаёти ва орзу-армонларини юксак маҳорат ва садоқат билан ҳаққоний акс эттирган атоқли адибимиз Абдулла Қодирий "ҳақиқат йўлида бош кетса ҳам их демасдан, ўлимни тансиқ" билиши тенгсиз жасорат ва пок эътиқодининг намоиши бўлган эди.⁵

Ҳақ сўзни айтиш қийин бўлган замонда яшаган Эркин Воҳидов ҳам Навоийга эътиқод қўйган ва тоталитар муҳитнинг замонасозлигига қатъият билан қарши туролган жасоратли адибларимиздан эди. У қалб амри билан ижод қилди, ўз инсоний, ижодий принципларини мафқуранинг шиддатли тазйик ва амрбозликларидан сақлашга муяссар бўлди. Ана шундай оғир ва мураккаб шароитда ижод қилиш ва ҳақ сўзни айтиш Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар авлодига ҳам осон бўлмаган. Эркин Воҳидов каби ҳаққўй адиблар имизнинг бутун ижодий фаолияти улуғ Навоий анъаналарининг барҳаётлигидан ёрқин далолатдир. Шоирнинг "Ўзбегим" қасидаси ёхуд шўро матбуоти

таъқиқлаган "Изтироб" каби шеърлари халқимизнинг ўзлигини англаши ва ўзига ишончини оширишда тенгсиз рол ўйнаганлиги ва шеъримизнинг юксак бир чўққиси бўлиб, ҳукмрон коммунистик мафқура ва мустабид тузум учун хавфли бир маънавий кўчга айланганлиги СЎЗнинг навоийона илоҳий бир қудратини кўрсатувчи ибратли намунадир.⁶ Навоийдек буюк аждодимиз билан чексиз фахрланган Эркин Воҳидов сингари юртпарвар ва жасоратли шоир ва ёзувчиларимиз мустабид тузумнинг таъқиқ ва тазйикларига қарамасдан, халқимизнинг буюк тарихий ўтмишини имкон қадар ҳаққоний тасвирлашга эришганлиги бугунги ижодкор ёшларимиз учун ҳам ибрат бўла олади.

Турли даврларда яшаган Навоий каби улуғ шоирлар башоратгўй мутафаккирлар сифатида ҳамisha кишилик жамиятини мукамаллаштирувчи, замонни одиллаштирувчи илғор умуминсоний ғояларни куйлаганлар ва бани башарнинг дардушвиши ва оғриқли ҳақиқатларини теран идрок этиб, уларни ҳаётий, таъсирчан образлар ва ғаройиб ташбеҳлар орқали санъаткорона ифода этганлар. Мана шундай фазилатлар улар ижодининг умумбашарий мазмун-моҳиятини янада юксалтиради. Бу ижодий яқдиллик ва ғоя-вий муштараклик кейинги авлодлар ўртасида ҳам адабий ворислик ва безавол анъанавийликни юзага келтириб, бадиий ижод тараққиётининг қудратли бир омили - ҳаётбахш тамойили бўлиб хизмат қилмоқда. Зотан, ўзлимизни англашда, миллий ғоя ва тафаккуримиз юксалишида мумтоз адабиётимизнинг минг йиллик тарихий тажрибаси ва бадииятининг юксак чўққиси (Б.Қосимов) бўлган Навоий ижоди ва эстетик таълимотининг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Истиқлолимизнинг 28 йиллигига бағишланган тантанали анжуманда "Ижод мактаблари"нинг навнихол бир ўқувчиси фахр билан "дунёда шоир борки, Навоийдан қарз" деган сатрлари ҳам ўзликни англашимизнинг маъсум қалблардаги акс-садолари эди. Булар ҳам Навоий ижоди ва улуғвор сиймоси умумбашарий аҳамият касб этганлигининг ёрқин бир исботи.



Жаҳон илмики буюк менга ёд эрур,
Анга борча жаҳл аҳли устод эрур.

Йигитликда йиг илмининг маҳзани,
Қариллик чоғи харж қилғил ани.

Алишер НАВОИЙ



⁴ Абдулла Қодирий. *Дийри бақр. Тошкент, Янги асар авлоди, 2007. 242-б.*

⁵ Абдулла Қаҳҳор. *Асарлар. 6-том, Тошкент, 1971. 318-б.*

⁶ Эркин Воҳидов. *Сайланма. 1-жилд Тошкент, 2000. 740-б.*